

# МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил  
30 август  
ДУШАНБА  
№ 69  
(12.289)

1928 йил 11 декабрда асос солинган


Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ИСТИҚЛОЛДАН МУНАВВАР ЗАМИН

Дунёнинг ҳамма гўшаларида ҳам тўрт фасл ўз гўзаллигини тўкиб намоён этвермайдди. Аммо бизнинг жаннатмонанд Ўзбекистонимизда ҳар фаслнинг ўз таровати, ўз кўрки, ўз файзу баракоти бор.

Бугунги ҳикоямиз Истиқлол туфайли гуллаб-яшнаётган, ҳосилдор бoғ-роғлари, бепоён пахтазор ва галлазорлари, ер усти ва ер ости бойликлари, қудратли ишлаб чиқариш корхоналари, ҳар тарафлама қулай инфратузилмаси ва коммуникациялари, энг муҳими, янгиликка ўч, ташаббускор ва тадбиркор, миришкор ва мард, ёниқ юракли, афзи ҳалол одамлари билан қадр топган пойтахт вилояти ҳақида.



### Офтоб Пскомдан чиқиб, Қиётга ботди

Муҳтарам Президентимиз Тошкент вилояти – Ўзбекистоннинг марказий вилояти, у ўзининг салоҳияти билан бошқаларга ўрнак бўлишни ўз зиммасига олишга қодир вилоятдир, дея бу ўзига ҳос воҳани жуда ўшатиб таърифлаганлар. Шу ўринда, Юртбошимизнинг анча-мунча адибу шоирнинг хаёлига ҳам келмайдиган яна бир гўзал таърифларини келтириб ўтишни истардик: "Бу бетақорор заминда уч фаслни – қиш, баҳор ва ёз манзараларини бир вақтда учратиш мумкин, десак, асло муболага бўлмайди, – деган эдилар пойтахт вилояти ҳақида гапира туриб давлатимиз раҳбари. – Бекобод, Чиноз боғларида чиллаки чумак урганида, Бўстонлик, Паркент тоғ ёнбағирларида бодом эндиғина гулга қиради. Оҳангароннинг ламми ерларида галла ўринми бошланганда, Бўка ва Пискент туманларидаги деҳқонлар бугдойни ўриб-янчиб, оморбага жойлаётган бўладилар..."

Азиз газетон, Тошкент вилояти ҳақида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишингиз учун яна икки оғиз сўз.

Бўстонлик туманининг тоғли

Пском қишлоғига бориш учун туман маркази – Ғазалкентдан яна 90 километр йўл босиш керак. Пском дарёси ёқалаб кунчиқар томон юрар экансиз, тоғ манзаралари, ёнбағирларда ўсиб ётган турфа хил гул-чечаклар, муздек оромбахш ҳаво баҳридиллигини очиб юборади. Бекободнинг Қиёт қишлоғига бориш учун эса пойтахтдан 160 километр йўл босиш лозим. Бекободнинг кенгликлари хаёлингизни олиб қочади. Юртимизнинг бепоён сарҳадлари қалбингизда гурур ва ифтихор ҳисларини уйғотади.

Ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида, ёзининг авж палласида биз ўзимизча "чекка қишлоқ" деб айтадиган Пском ва Қиётга республиканинг таниқли санъаткорлари, адиб ва ёзувчилари билан байрамолди тадбирларини ўтказишга борамиз. Хамроҳларимиз Пскомда кун салқинлигидан офтобли жой излашса, Қиётда эса қуёш тигидан соя қидириб қолишади. Баъзан тадбир давомида маҳаллий аҳоли билан суҳбатлашди, беихтиёр "чекка қишлоқ" деган иборани ишлатиб юборганимиздан хижолат бўлиб қоламиз.

– Пском чекка қишлоқ эмас, у Ўзбекистоннинг биринчи қишлоғи, – дейишади тоғликлар гурур ва ифтихор билан. – Ҳар кун қуёш бизнинг тоғлар ортидан кўтарилиб, мамлакатта нур сочади.

Сирдарё соҳилидаги қиётликлар эса ўз худудларини вилоятнинг биринчи қишлоғи, деб таърифлашади. Хуллас, мамлакатнинг биринчи қишлоғидан вилоятнинг биринчи қишлоғига бориш учун оз эмас, кўп эмас, 350 чакиримдан ортқ йўл юриш керак бўлади...

Ана шундай бағрикенг, ўзига ҳос, бетақорор воҳа бу.

(Давоми 2-бетда).



## ЖАННАТ ДИЁР

Бугдойзор баҳрига чўмилган Ватан,  
Пахтазор нурида ювилган Ватан.  
Тарихи гурурга қўмилган Ватан,  
Боқиб чиройинга тўймасан сенинг,  
Бахтинг қуйламоқни қўймасан сенинг.

Тарихинг сўзлагай буюкларингдан,  
Халқига жонқадар суюқларингдан,  
Юрт деб юракларни қуюқларингдан,  
Қадринг билмагани суймасан сенинг.  
Бахтинг қуйламоқни қўймасан сенинг.

Тошкентимнинг бўйи ўсар юқори,  
Бухоро, Самарқанд, Хива – виқори.  
Гуллаган Фарғона – мангу баҳорим,

Ўзга юртларга ҳеч йўймасан сени.  
Бахтинг қуйламоқни қўймасан сенинг.

Ҳар кун ассаломдир каломим боши,  
Минг шуқур, порлади иқбол қуёши.  
Синовларда чархланган тақдирнинг

Ўзга муродингни тўймасан сенинг,  
Бахтинг қуйламоқни қўймасан сенинг.

Инон-ихтиёр ҳам қўлимиздадир,  
Тонг юлдузи доим йўлимиздадир.  
Жаннат диёр унгу-сўлимиздадир,  
Боқиб чиройинга тўймасан сенинг.  
Бахтинг қуйламоқни қўймасан сенинг.  
Нурали ЖАЛИЛ.

## БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллик байрами арафасида Бекобод шаҳрида янги ёпиқ сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Маъмур объект қурилиши "Ўзметкомбинат" акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан амалга оширилди.

Бекобод шаҳридаги янги сузиш ҳавзасида ҳавони алмаштирадиган вентиляция, ҳавза сувини доимий тозалаб турадиган филтрити махсус қурилмалар, кийиниш, ювиниш, тиббиёт хоналари, тренажёр зали ва 500 томошабин ўрни мавжуд.

Ҳозир бу ерда юз нафарга яқин ўғил-қиз сув спорти билан мунтазам шугулланмоқда.

Ў.А.

## ОРЗУЛАР УШАЛГАН КҮН

Ҳар бир мамлакат, халқ, миллат тарихида оламшумул кўтарилиш босқичлари бўлади. Жамиятдаги барча ижтимоий-сиёсий кучлар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари бу босқичларда ўз кучларини мамлакатнинг буюк келажаги йўлида бирлаштира олма, ўз мақсад ва вазифаларини юрт тинчлиги ва раванқига, фаровонлигини оширишга йўналтира олма, бу кўтарилиш барқарорлашди, Ватан тарихида миллий, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий янгиликлар бошланади, у жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашга муваффақ бўлади.

1991 йилнинг 1 сентябрий Ўзбекистон тарихида ана шундай кўтарилиш, янгиликлар босқичини бошлаб берди. Миллий мустақиллик миллати ва динидан қатъи назар, барча кучларни ягона мақсад – Ўзбекистонни обод ва тинч, гуллаб-яшнаган дийёрга айлантириш, буюк келажакни барпо этиш йўлида ҳамжихат меҳнат қилиб, турмуш фаровонлигини ошириш учун кураш йўлида бирлаштирди. Давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, шундай яқдиллик, ҳамжихатликни истиклол берган неъматлардан тўла баҳраманд бўлиш, ўз салоҳиятини тобора кенг қўламда намоён эта бориб, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, истиқбол мақсадларини рўйбағ қиқариш, Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнини эгаллашни таъминлайди. Ҳеч қандай қора кучлар, сиёсий-ақидопарастлик оқимлари уни бу муқаддас йўлдан тойдирма олмайдилар.

Утган ўн тўққиз йил бу айни ҳақиқат эканлигини тасдиқлади. Ўзбекистонни миллий ўзликини англаш, янгиликлар, шу асосда барқарор ривожланиш йўлидан тойдиршига бўлган не-не уринишлар, дағдалар, галамисона хатти-ҳаракатларини чиппақка чиқариб, Ўзбекистон ўзи танлаган йўлдан дадил ва собит бормоқда. Сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий янгиликлар, мустақилликни мустаҳкамлашнинг биз танлаган йўли қанчалик оқилона эканлигини, ривожланишининг ўзбек модели нечоғли ҳаётийлигини бутун жаҳон бугун эътироф этмоқда, юксак баҳоламоқда.

Жаҳоннинг қўллаб-маълумлашига асосланган таъсир кўрсатаётган молия-иқтисодий танглик, сиёсий ва маънавий-ахлоқий таъовулар шароитида бугунги Ўзбекистон эзгу мақсад сари ўзи танлаган йўлдан қатъият билан бормоқда. Эришилаётган ютуқлар беҳиёс, улар Ўзбекистон халқларида мамлакатимизнинг ёрқин истиқболга ишончини кучайтириб, миллатлараро ҳамжихатликни, ижтимоий-сиёсий кучлар яқдиллигини яна ҳам мустаҳкамламоқда.

Бу бирлик, бу интилишларнинг самараларини ҳар кун, ҳар соатда кўриб турибмиз. Мана улар: Барқамол авлод йилида Бўстонлик туманида янги касб-ҳунар коллежи қурилиб, жиҳозланди. Икки коллеж ўқувчилари учун 100 ўринли ётоқхона фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳаларга биноан қурилган 50 та уйда энг эзгу, энг муқаддас миллий байрамимиз кунлари ҳовли тўйларни ўятапти.

Биз ҳаётимиздаги энг буюк ва муқаддас байрам – барчамиз учун ягона ва азиз Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик кунини нишонламоқдамиз. Шу кунларда миллий истиқлолимиз учун курашиб, азиз жонларини фидо қилган аждодларимиз хотирасини ёдга оламиз, замонамиз тинчлиги, ҳаётимиз фаровонлиги учун шукроналар айтиб, эртанги орзуниятларимизни белгилаб оламиз. Шу заъийлик, барқарорлик, ҳамжихатликдаги ҳаракат ҳаётимиз, мақсад ва интилишларимиз, эришажак ютуқларимиз барқарорлигининг, мустақил Ўзбекистон раванқининг гаровидир.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

## ТАДБИР

Байрамсевар халқимиз. Шу боис юртимизда байрамлар кўп. Халқимиз уларнинг ҳаммасини бирдек қўриб, юракдан севиб тантана билан нишонлайди.

Аммо, ўн тўққиз йил аввал яна бир янги байрам юрт тақвимидан алоҳида жой олдики, бу Истиқлол неъматидир. Ордан ўтган шу қисқа давр ичида у элнинг энг улуғ, энг азиз байрамига айланди. Эндилекда 1 сентябрь Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунини



## СУРАТЛАРДА ЖИЛОЛАНГАН ЛАҲЗАЛАР

сифатида бутун мамлакат бўйлаб шоду хуррамлик билан нишонланмоқда. Қувонарлиси шундаки, бу азиз байрамга атаб жойларда турли кўнгилчор тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш халқимизнинг энг яхши анъаналаридан бирига айланди. Ҳаётимизда юртимиз Истиқлолни тараннум этувчи энг яхши кўшиқ ва мусика асарларининг "Ягонасан, муқаддас Ватан!" ҳамда "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий кўрик-танловлари вилоят босқичи ақунланди, голиблар муносиб тақдир-

ланган эди. Кун кеча Қумовул қишлоғидаги вилоят Мазнавият ва маърифат марказида "Истиқлол йилларидаги ютуқлар" мавзусидаги энг мазмунли фотосуратлар кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти ҳамда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этган танловнинг вилоятимиз саноят корхоналари, таъкилот ва муассасалар ҳамда қишлоқ ҳўжалиғида мустақиллик йилларида эришил-

ган ютуқлардан ҳикоя қилувчи фотосуратлари ҳақамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. "Тошкент ҳақиқати" газетаси ўз муҳбири Даврон Аҳмедов танлов голиби деб топилди. Иккинчи ўрин "Оҳангарон ҳаёти" газетаси масъул котиби Икромали Холматов, иккита учинчи ўрин фотожурналистлар Еркебой Ботиров ва Собир Зудфаровга насиб этди. Миллий университет талабаси Азамат Аҳмедов рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. **Ўз муҳбиримиз.**

## МАҲАЛЛА – КАТТА КУЧ

Мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлардан бири дунёда тенги йўқ маҳалла институтининг тиклангани десак, хато бўлмас керак. Айниқса, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари ваколатлари анча кенгайтирилгани аҳоли учун қўлайлик яратиш билан бирга, маҳаллий бошқарув самарадорлигининг ошишига хизмат қилмоқда. Зеро, Президентимиз айтганларидек, маҳалланинг ҳар қандай масалани ечишга қўриб етади.

Нега деганда, энг адолатли муҳит, энг адолатли ижтимоий шароит, вазият фақат маҳаллаларда бўлиши мумкин. Ҳеч бир корхона, ҳеч бир идора ёки жамоат ташкилоти бу борада маҳалла билан тенглаша олмайдилар. У ерда ҳаёт тажрибаси катта, заминга яқин, кўпни кўрган, барча ишни жой-жойига қўя оладиган фидойи одамлар яшайди ва ишлайди.

Маҳаллаларга айнан мустақиллик йилларида катта эътибор қаратилмоқда. 1992 йил 12 сентябрда "Республика "Маҳалла" хайрия жамғармасини таш-

кил этиш тўғрисида" Президент Фармони эълон қилинди. Фармонда кўзда тутилган мақсадларга таркиб топган миллий ва анъанавий қадриятларни эъзозлаш, изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удуи ва анъаналарини оммалаштириш, маҳаллалар ўртасида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш чораларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш эди. Шундай қилиб, "Маҳалла" хайрия жамғармаси мустақил юртимиз маънавияти-

ни тарихий асосларга суянган ҳолда юксалтириш, шунингдек, аҳолининг эҳтиёжидан қатъиян муҳофиза қилиш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларга ҳар томонлама қўмаклашиш борасидаги фаолиятини бошлаб юборди. Шундан бери жамғарманинг Олмалиқ шаҳар бўлимида хизмат қилиб келаямиз.

Тизимдаги кўп йиллик хизмат бесапар кетмади. Камтарона меҳнатимиз юқори баҳоланди, 2007 йили "Дўстлик" ордени, 2010 йилда эса "Эл-юрт хурмати" ордени билан тақдирланганим менга қайтадан куч ва шижоат бағишлади. Бу юксак мукофот мени ва маҳалла фаолларини янада оқилона меҳнат қилишга, доимо халқ хизматида камарбаста бўлишга ундади.

Мархия ШОМАТОВ,  
"Маҳалла" хайрия жамғармаси Олмалиқ шаҳар бўлими раиси.







# ВИЛОЯТ ЎРТА-МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

вилоятимиз аҳолисини ҳамма барча юртдошларимизни

республикамиз

Мустақиллигининг

## 19 йиллик

байрами билан табриклайди!


Ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик,  
бахт-саодат ёр бўлсин!

Дастурхонимиздан файз-барака аримасин!

Қутлуғ байрам шодликлари йилларга

татиб, хурлик, фаровонлик

барқарор давом этсин!



# «ТОШВИДСУВОҚАВА»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни энг улуг ва  
саодатли байрам —


## Ўзбекистон Республикаси

## Мустақиллигининг 19 йиллиги

билан самимий қутлайди!

Истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўз нуфузига,  
нурли йўли ва келажагига эга бўлган давлатимизнинг  
шухрати бунданда буюк, салоҳиятли бўлсин!

Диёримизнинг ҳар гўшасида шоду хуррамлик,  
байрам кайфияти ҳукм сураверсин!





2010 йил – Баркамол Авлод йили

ЭЪТИБОР ВА ГАМҲҲҮРЛИКДАН КУЧ ОЛИБ...

“... Тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улғу, керак бўлса энг муқаддас мақсад деб билади”. Ҳар гал коллеж остонасига қадам қўяр эканман, Юртбошимизнинг бино пештоқига битилган ушбу даъватларидан куч ва гайрат оламан.

2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб эълон қилиниши ёшларга кўрсатилган гам-хўрлик ва эътиборнинг давомийлигини таъминламоқда. Утган йили Охангарон шаҳридаги 1-умумтаълим мактабини тамомладим. Ҳозир маиший хизмат касб-хунар коллежида таҳсил олаёпман. Коллежда чуқур билим эгаллаб, келажакда соҳанинг малакали мутахассиси бўлиб етишишимиз учун барча шарт-шароитлар ва қулайликлар муҳайё. Замонавий синфхоналар, ўқув лабораториялари, амалиёт устахоналари жаҳон андозаларига мос зарур ускуналар билан жиҳозланган. Очиқ ва ёпиқ спорт мажмуасида керакли жиҳозлар етарли. У ерда ўғил-қизлар жисмоний тарбия билан мунтазам шугулланиб, соғлиқларини янада мустаҳкамламоқдалар. Коллежimiz қошида ташкил этилган ахборот-ресурс маркази ранг-баранг ўзбек ва жаҳон адабиёти дурдоналари, ўқув дарслиқлари, қўлланмалар билан бойитилган. Шунингдек, ахборот-ресурс марказида биз компьютер тармоқлари орқали хорижлик тенгдошларимиз билан тажриба алмашамиз, электрон кутубхона сайтларига кириб, керакли китобларни топиб, мутолаа қилиш ҳамда интернет тизими орқали мамлакатимиз ва жаҳон-

да содир бўлаётган муҳим хабарлардан тезкорлик билан воқиф бўлишимиз мумкин. Буларнинг барчаси истиқлол туфайли рўйбга чиққан эзгу тилақлар самараси, албатта. Мамлакатимизда ёшларга билдирилатган ишонч, навқирон авлоднинг иқтидорли ва истеъодли бўлиб вояга етишида уларни қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. “Ниҳол”, “Келажак овози”, “Зулфияхоним қизлари” каби кўрик-танловлар ташкил этилиб, янги янги истеъод эгалари кашф этилмоқда. Истиқлол очётган имкониятлар эшиги ёшларга шижоат ва қанот бахш этаяпти. Мен “Келажак овози”, “Энг яхши китобхон” кўрик-танловларининг шаҳар босқичида голибликни қўлга киритдим. “Зулфияхоним қизлари” кўрик-танловининг гуруҳлараро баҳсида бадиий публицистика йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаб, шаҳар босқичига йўланма олдим. Шунингдек, ахборот-ресурс марказида биз компьютер тармоқлари орқали хорижлик тенгдошларимиз билан тажриба алмашамиз, электрон кутубхона сайтларига кириб, керакли китобларни топиб, мутолаа қилиш ҳамда интернет тизими орқали мамлакатимиз ва жаҳон-

Манзура САЛАЕВА, коллежнинг иккинчи босқич талабаси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг

Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш

назорати инспекцияси

бунёдкор халқимизни эзгу орзу-умидлар рўёби бўлган

Ватанimiz Мустақиллигининг 19 йиллик байрами

билан қизгин муборақбод этади.

Бугун қўли гул ватандошларимизнинг азму

шижоати, жасорати ва нозик диди

билан бунёд этилаётган маҳобатли

архитектура иншоотлари келажакда

неча-неча авлодларга халқимизнинг

салоҳияти ва куч-қудратидан

ҳикоялар сўзлаб турсин!

Байрамингиз кўнгилли ўтсин, азизлар!



САБР ТАГИ ОЛТИН

Маҳалламиздаги Роҳила ая кенжа ўглини ҳам уйлантиргач, муродим ҳосил бўлди, дея суянди. Бутун дунё хурсандчилигини оиласи бағри-бутунлигидан топган бу оила аёлининг чиндан-да, армони йўқ. Рўзғори бут. Оила бошлигининг ишбилармонлиги аянинг саражом-саришталиги бу хонадонга хамиша кутбарока келтиради. Шу йўсинда беш ўғил ҳам алоҳида-алоҳида уй-joy қилиб беришди. Ўқимишли, касб-корли қилиб вояга етказишди. Қизлари борган жойларини обод қиладиган эп-ли-сепли келинлар бўлиб, ўзларидан тинчиган. Маҳаллақўй бу хонадонга ҳавас билан қарайди. Роҳила ая иззат-икром билан нафақа чиқди-ю, набиралари билан ўралашди-қолди. Ҳали у келинини, ҳали бу келинини эргаштириб, қудаларининг кўнглини олишни ўзининг бурчи деб билди.

Ўйлагу тушиш олдида эса ўғилларига тайинлайди: “Бизни олиб келгани борганинда ҳеч бўлмаса, тўртта иссиқина нон олиб боргин, болам. Қайнона-қайнотангнинг кўнгиларини олгин. Уларнинг олдида келинча яхши муомала қилгин. Қиз бола юракнинг қони-кўтариб юрибсиз-а. Лекин Роҳила ая “аслоундай деманг, келиним эшитиб қолса, кўнгли оғрийд-я”, деб уларга рўйхуш бермайди. Ўғлини хомуш қўрган кезлари ичидан зил кетса ҳам уни ёнига олиб, насихат қиладиган...

Лекин Роҳила ая “аслоундай деманг, келиним эшитиб қолса, кўнгли оғрийд-я”, деб уларга рўйхуш бермайди. Ўғлини хомуш қўрган кезлари ичидан зил кетса ҳам уни ёнига олиб, насихат қиладиган... – Жон болам, ноумид шиб кел. Ўзингни ҳам, келинини ҳам обдон текширтириб, даволаниб келинглр. Биздан хавотирланманглр. Отанг иккимиз дуои-жонларингни қилиб ўтирамиз. Сенинг ҳам болангни кўрсам, бу дунёда армоним қолмайди... Бу гапларни эшиттириб айтмаса-да, келини қайнонасининг орзу-хавасларини аёллик қалби билан хис этиб туради. Бу тўйгу уни шу хонадонга янада қаттиқроқ боғлайди. Қанча ёзу куз ўтди ҳамки, аянинг умидлари сўнмади. Қаерда табиб дарагини эшитса, ўғли билан келинини етаклаб боришдан чарчамади...

...Яқинда яани кўчада учратиб қолдим. Бошидаги гулдор рўймол бирам ярашган. Мени кўргач, ўзида йўқ севиниб сўзлай кетди: – “Сабр таги сариқ олтин”, дея бежиз айтишмаган. Ҳа шунга сиз билган келингинам эгиза фарзанд кўрди. Шу десангиз, кўргани кетаявдим, ҳали бозорга ҳам боришим керак, қудам иккимиз болаларимиз фарзандли бўлишса, бираг бешик танлаймиз, дея ният қилувдик. Шу кунларга ҳам етдик, майли, мен борай, бешик тўйида бираг бўлсиз-да, айлантай! – Таътилингни гапла-Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА.

Утерьянный кадастр на здание № 11-74/2008 ООО агрофирма "AGROMAKS INVEST PLUS" по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Мирсалихова, д. 9-Б, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьянный гос. ордер № 00-21/3165, от 24.05.1993 г. права собственности на квартиру на имя Михайлова Любовь Николаевны. СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Official advertisement for GM Uzbekistan. Lists models: NEXIA SONC, DAMAS, MATIZ, LASETTI, EPICA, NEXIA DONG, LASETTI BVD, CAPTIVA, MATIZ BEST, EPICA BVD. Includes address in Tashkent and contact numbers.

Advertisement for "РАССОМ ХАНДАСИ". Includes a cartoon illustration of a man and woman talking about a gift.

Advertisement for "ШУКРОНА" (Shukrona). Includes a large graphic of the brand name and text describing the company's services and products.

Footer area containing contact information for various entities: "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ" (Tashkent Haqiqati), "ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" (Tashkentskaya Pravda), "Бош муҳаррир Абдулло Абдушоҳидов", "Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.", "Телефонлар: 236-55-54.", "Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатта олинган.", "Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.", "Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.", "Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ", "Навбатчи Шохруҳ ҲАКИМОВ", "Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЛЛАЕВ", "ИССN 2010-9318.", "Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.", "Буюртма Г-740.", "Адади 5915.", "Ҳажми - 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.", "Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи - 205. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 22.00. 1234